

9-10-2020

## ATTITUDE TO SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES IN THE POSTMODERN WORLD AND ITS DIALECTICAL FOUNDATIONS

Abdumutal Ahhadjonovich Kambarav

*Fergana state universiti Associate professor of the Department of philosophy, candidate of philosophical Sciences*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Kambarav, Abdumutal Ahhadjonovich (2020) "ATTITUDE TO SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES IN THE POSTMODERN WORLD AND ITS DIALECTICAL FOUNDATIONS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 27.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/27>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

# ATTITUDE **TO** SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES IN THE POSTMODERN WORLD AND ITS DIALECTICAL FOUNDATIONS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 9 сон**

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримова В., Қуронов М. Маънавият, маърифат ва ижтимоий гуманитар фанларнинг фуқаролик жамияти асосларини барпо қилишдаги ўрни. // Ўзбекистон: фуқаролик жамияти сари. -Т.: Шарқ, 2003
2. Жалолов А. Инсоний жамият: фалсафий-ҳуқуқий қирралар. // Мустаҳил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. -Т.: 1996.
3. Ш.М. Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-т. -Ўзбекистон, 2019.
4. Лисевич И.С. Древнекитайская философия. // Человек. -М.: Политиздат, 1991.
5. Зоҳидов В. Шоир ижодининг қалби. -Т.: Ўзбекистон, 1970.
6. Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисоалари. -Т.: Фан, 1963.
7. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. Т.: Халқ мероси, 1993.
8. Болтаев М.Н. Абу Али Ибн Сина-великий мыслитель, ученый-энциклопедист Средневекового Востока. -Т.: Фан, 1980.

### ПОСТМОДЕРН ДУНЁДА ИЛМИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА МУНОСАБАТ ҲАМДА УНИНГ ДИАЛЕКТИК АСОСЛАРИ

Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович

Фарғона давлат унiversитети

Фалсафа кафедраси доценти,

фалсафа фанлари номзоди

*Аннотация:* Мақолада замонавий жамиятларда дин ва илм-фаннинг бир-бири билан муносабатида содир бўлган ўзгаришларнинг генезиси, эволюцияси ва тараққиётининг гармоник ва диалектик хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада постмодерн жамиятнинг маънавий асосларида диний ва илмий қадриятларга муносабатнинг аксиологик ва нигилистик манбалари тадқиқ қилинган.

*Калит сўзлар:* модерн жамият, постмодерн жамият, дин, фан, қадрият, диний қадрият, илмий қадрият, қадриятларнинг қадрсизланиши.

### ОТНОШЕНИЕ К НАУЧНЫМ И РЕЛИГИОЗНЫМ ЦЕННОСТЯМ В ПОСТМОДЕРНИСТСКОМ МИРЕ И ЕГО ДИАЛЕКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ

Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович

Ферганский государственный университет

доцент кафедры философии,

кандидат философских наук

*Аннотация:* В статье анализируются гармонические и диалектические особенности генеза, эволюции и развития изменений, происходящих в взаимоотношениях религии и науки в современных обществах. Также в статье исследуются аксиологические и нигилистические источники отношения к религиозным и научным ценностям на моральных основах постмодернистского общества.

*Ключевые слова:* современное общество, постмодернистское общество, религия, наука, ценности, религиозные ценности, научные ценности, обесценивание ценностей.



## ATTITUDE TO SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES IN THE POSTMODERN WORLD AND ITS DIALECTICAL FOUNDATIONS

Kambarav Abdumutal Ahhadjonovich

Fergana state universiti

Associate professor of the Department of philosophy,

candidate of philosophical Sciences

***Annotation;** The article analyzes the harmonic and dialectic features of the Genesis, Evolution and development of changes that occur in the relationship of religion and science in modern societies with each other. The article also explores the axiological and nihilistic sources of attitude to religious and scientific values in the spiritual foundations of postmodern society.*

***Keywords:** modern society, postmodern society, religion, science, value, religious value, scientific value, devaluation of values.*

Постмодернизм атамасининг маъносини сўзма-сўз таржимаси «замонавийдан кейинги» маъносини билдиради. Бу маъно ҳозирги замонда мавжуд нарсанинг кейинги ҳолатини тасаввур қилиш мумкинми, деган савол туғдиради. Маълумки, футуристлар XX аср бошида яшаб туриб, ундан «сакраб чиқишга» ҳаракат қилганлар. Аммо бу ҳаракат беҳуда бўлган. Шундай қилиб «постмодернизм» сўзининг маъноси, инсоннинг ўз замонасидан қочишини билдиради. Постмодернизмни англашда «Қайси томонга ҳаракат қилиш – олдинга, орқага, ҳозирги замонга ёки...?», деган савол катта аҳамият касб этади[1].

Постмодерн дунёда илмий ва диний қадриятларга муносабат ҳамда унинг диалектик асосларини тадқиқ қилиш учун бундай жамиятда қандай илмий ўзгаришлар содир бўлди, илм-фан тараққиётида нималарга таъсир кўрсатди, фан нималарга даво қилаётганлиги ва бунга диннинг муносабатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

XX аср охирида фанда улкан ўзгаришлар юз берди ва парадоксал бир вазият юзага келди. Кўпгина ғайриилмий назариялар табиатшуносликнинг асосий ғоялари ва принципларини ўз доирасига киритди ва фанга хос бўлган аниқлик, тизимлилик ва изчилликни намоён эта бошлади. Илмий оқилоналикнинг қатъий меъёрлари ва қоидаларидан четга чиқиш жоиз ва ўринли бир ҳолга айлана борди. Билишни фақат фан билан, билимни эса – фақат соф илмий фаолият натижаси билан айништириш одатидан воз кечила бошлади. Илмий изланишларнинг объектлар майдонига фавқуллодда ҳодисалар кириб кела бошлади, фан билиш фаолиятининг илгари расмий илм соҳаларида тан олинмаган, «чегарадош» деб тавсифланган шаклларига ўз эътиборини қаратди. Астрология, парапсихология ва «халқ фанлари» мажмуи уларга салбий муносабат нуқтаи назаридан эмас, балки уларнинг ноанъанавий ёндашувлари, усуллари, билишга доир мўлжаллари нуқтаи назаридан ўзига эътиборни торта бошлади. Фан доирасида ҳам илмий тадқиқотнинг умум эътироф этилган меъёрлари ва андозаларидан четга чиқувчи «девиант» йўналишлар намоён бўла бошлади. Ҳатто янги атама вужудга келди; кенг қўлланиладиган «гайрифан» ва «ноилмий билим» атамаларидан ташқари «анормал билим»

тушунчасидан фойдаланила бошлади. У қабул қилинган парадигмага мос келмайдиган билимнинг мавжудлигига ишора қилар эди. Анормал билим доим рад этилган. Аммо фан тарихида қайд этилган фактлар «мантиққа зид ғоялар ва гипотезалар»ни шошмашошарлик билан рад этиш ярамаслигидан далолат беради. Масалан, Н.Борнинг қўшимчалилик принципи ҳақидаги ғояларини «хом хаёлдан бошқа нарса эмас» деб ҳисоблашган, улар ҳақида қуйидагига ўхшаш фикрларни илгари суришган: «Агар Бор ҳозиргина эълон қилган бу абсурд тўғри бўлса, физиклик касбини бутунлай ташлаш, ..бутун физикани ахлатга улоқтириш мумкин»[2]. Термодинамиканинг вужудга келиш жараёни «Фан ниқоби остидаги сафсата» қабилидаги иборалар билан қарши олинган. Классик фаннинг бундай химоя реакциясини тушуниш мумкин, бу ҳар қандай организмнинг яшовчанлиги учун зарур бўлган ўзига хос «иммун тўсиқ» бўлиб, пайдо бўлган ҳар бир янги ғоя ана шундай яшовчанлик синовидан ўтади.

Постмодерн дунёда илмий ва диний қадриятлар ўртасидаги қандай ёндашувларда қарама қарши муносабат пайдо бўлди? Бу даврда ҳам эволюция назарияси доирасида илмий ва диний соҳалар тортишувлари, қарама-қаршиликлари давом этаверди. Бундай вазиятда «жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, муҳтарам нурунийлар, аёллар ва болаларга меҳр ва эътибор кўрсатиш, эҳтиёжманд инсонларга беғараз ёрдам бериш сингари савобли ишларни амалга» оширишга интилиш орқали янги дунёнинг янгича қоидаларини инсонпарварлаштириш ва «мамлакатимизни тараққий топган давлатлар қаторига олиб чиқиш, халқимизни ҳаётдан рози қилишга қаратилган ислохотларимизнинг маъно-мазмунига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳанг экани, айниқса, эътиборлидир»[3].

Постмодерн даврда илмий ва диний қадриятларга бўлган муносабат ўзгарувчан ва иқтисодий манфаатлар устига қурилган бўлади. Капиталистик муносабатларнинг юқори кўриниши сифатида илмий ва диний қадриятлар ҳам прагматистик муносабат асосига ўрнатилади. Янги тараққиёт даврида самиймий муносабат ва қалбан мулоқотнинг йўқолиши, жамиятда техноген маданиятнинг ўсиб бориши, инсонларнинг роботлашуви, автоматлашуви ҳам қадриятларга муносабатни ўзгартиради ва қадриятларнинг мазмун-моҳияти, унга берилган баҳо ҳам ўзгаради. Диний қадриятларга ишончсизлик ортиб боради. Инсонларда худо ва илоҳий тушунчаларга эътиқод сақланиб қолсада, диний шакллар ва эътиқод қилиш кўринишлари секин асталик билан сиқиб чиқарилади. Инсонларни юқори даражада рационаллашиб кетиши уларда шунчаки ишонч ҳиссини йўқотиб, аниқ исботланган ва тажрибадан ўтган воқеликка ишониларини шакллантиради.

Постмодерн дунёда диннинг инсоният учун ўзига хос дунёқараш сифатидаги мавқеида ўзгаришлар содир бўлди. Жамиятнинг дифференциациялашуви, давлатларнинг иқтисодий ўсиши, диннинг сиёсий қурол ва мафкура сифатида мустаҳкамланиб боришига имконият яратилди. Диний мафкура ижтимоий ҳаёт талабларига, муаммоларига қандайдир кучлар томонидан берилган жавоб ва ечимдир. Унинг шаклланишида ўз даврининг дунёвий, жумладан, фантастик, фалсафий тасаввуралари муҳим рол ўйнайди. Дунёвий билимларнинг етарли бўлмаганлиги оқибатида дин дунёнинг тузилишини, табиат, жамият, инсон ҳаётида

кечадиган ҳодисаларнинг моҳияти, сабаблари, уларнинг инсон манфаатлари йўлида хал қилиш усули, йўллари билан шуғулланади[4].

Глобаллашув жараёнида ва постмодерн шароитида инсонларнинг ёлғизлашуви ва бегоналашуви жараёни кучайиб бораверади. Бу эса инсонларда кучли бирлик ва бирдамлик истагини кучайтириб юборади. Жамоавийлик, биродарлик, саҳоват, меҳр-оқибат кучли қадрланадиган камёб воқеликка айланади. Илм-фан ҳам юксак тараққиётга сабаб бўлади. Илм-фан қўллаб қуувватлаш, унинг инсоният тараққиётига хизмат қилиши билан эмас, таназзулни тезлаштирмаслиги нуқтаи назаридан олиб борилади. Чунки илм-фан ва техника-технология тараққиёти робот инсонларни, кадриятларни қадрламайдиган. Ахлоқий ва диний кадриятларни инкор этадиган, фақатгина эркинлик ва индивидуалликни олий кадрият сифатида қадрлайдиганлар тоифаси шаклланади. Бу эса, янги постмодерн даврида илмий ва диний кадриятларни қайта баҳолаш ва инсонларда янгича аксиологик онгни шакллантиришни долзарб вазифалардан бирига айлантиради.

Постмодерн даври Самуел Хантингтон томонидан тамаддунлар тўқнашуви сифатида тарифланиши ва бу ислом ҳамда христиан цивилизацияси ўртасидаги кураш негизида давом этиши таъкидланади. Ислом ва христиан цивилизацияларининг тўқнашуви диний кадриятларнинг қадрсизланишини, инсонларда қўрқув ва ишончсизликни келтириб чиқармоқда. Мисол учун, сўнги ўн йилликда исломфобиянинг кучайиши ислом кадриятларини диний экстиризм ва терроризм билан боғлаш орқали қадрсизлашга уриниш кучайиб бормоқда. Маълум кучлар томонидан ислом кадриятларини қадрсизлаш, инсонларда уларга нисбатан қўрқувни шакллантирмоқда. Христиан оламида ҳам сўнги асрларда бўлган умумий диний ўзгаришлар ва ғарб тафаккурининг тубдан ўзгариши дин ва диний кадриятларга нисбатан муносабатни ҳам ўзгартирди. Яъни ғарб оламининг диндан узоқлашиши кўзга ташланмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида ислом динига эътиқод қилувчи мусулмонларнинг ёйилиб кетиши ҳам бевосита глобаллашувнинг самараси ҳисобланади. Ислом тезлик билан бутун оламга тарқалди ва глобализация жараёнининг ёрқин намунасига айланди. Исломиий кадриятлар бугунги кунда янгича хусусият ва ижтимоий тараққиётга ўзига хос таъсир кўрсатмоқда. Исломнинг глобализацияси кўпроқ бугунги кунимизга хос. Ўрта асрлар шароитида турли дин, миллат, ирқ вакилларнинг интеграциялашув жараёни, ишчилар миграцияси ва ахборот алмашинуви бугунгига қараганда жуда паст бўлган. Юқоридаги тушунчалар, асосан, капиталистик муносабатларни ривожланиши ҳамда уларнинг «чегара билмас» ҳаракати билан боғлиқ[5].

Бугунги постмодерн даврда бошқа динларга қараганда ислом дини ва ундаги диний кадриятларнинг таъсир доираси кенгайишининг объектив сабаби шундаки, ислом дини яхудийлик, христианлик динларининг ижобий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган, диний эътиқод ва кадриятларни инсон ҳаётининг турли ҳолат ва вазиятларига мослаштира олган ҳамда диний эътиқод қулайлигини таъминлайди. Шу боис у Европа ва Шимолий Американинг муқаддам христианлик ёки яхудийлик эътиқодида бўлган ёхуд диний эътиқоди умуман бўлмаган



фуқароларнинг аксариятини ўзига жалб эта олган. Айни вақтда ҳам ислом динига кириш Европа ва Шимолий Америкада муайян удумга айланиб бормоқда.

Ҳозирги кунда ислом дини тараққиёт жиҳатдан дунёда энг тез тарқалаётган дин ҳисобланади. Расмий ҳисобот ва статистика билан шуғулланувчи ва ислом дини тарқалиши борасидаги маълумотларни жамловчи марказларни айланганимизда бир ҳолатга дуч келамиз. Бу ҳолат ўз-ўзидан бизни ислом дини доимий химояда ва унга ҳеч қандай зарар етмайди, унинг ансорлари камаймайди ва унга эргашганлар йўқ бўлиб кетмайди, деган фикрга ва хотиржамликка етаклайди. БМТнинг ҳисоботларига кўра, дунёдаги мусулмонларнинг йиллик кўпайиш нисбати бир йилда 6.4 % ни ташкил этади[6]. Шу вақтнинг ўзига христианларнинг йиллик кўпайиш нисбати 1% ни ташкил этади. Бу баъзи тушкунликка тушганларнинг фикридан фарқли ўлароқ ислом дининг кенг кўламда тарқалиб бораётганлигига катта далилдир[7].

Францияда янги аср бошларида 50 минг франциялик мусулмон бўлган ва шу сабабли бир йилни ислом йили деб номлаганлар. Ҳозирги кунда диний маросимларни адо жйтиш учун черковга бораётган Францияликлар сони атиги 7 %ни ташкил этмоқда. Устига устак йил сайин Европа давлатларида тобора коҳинларнинг Исломга кириш ҳолатлари кўпайиб бормоқда[8].

Исроил матбуотининг хабар беришича, Европа қитъаси янги асрнинг охирида Ислом диёрига айланади. Исроилда чиқадиган «Эдиот ахранот» газетаси Хулио Миотнинг «ислом динининг Европадаги истиқболи» деб номланган мақоласини ўзининг интернет сайтыга жойлади. Унга кўра, Европа шу асрнинг охирида Ислом диёрига айланади. Муаллиф Европа аҳолиси таркибида мусулмонларнинг улуши ортиб бораётганлигига асосланиб, қуйидача фикр билдиради: «Ҳозирги мусулмонларнинг Европа аҳолисининг тўртдан бирини ташкил қилади. Агар бу ҳолат шу тарзда давом этаверса, насронийлар ўз динларидан совишга ва диний мазҳабларларига нисбатан ғайратсизликда бардавом бўлса, тез орада насроний дини вакиллари қолмайди. Пешқадамлик эса мусулмонлар қўлига ўтади» Хулио Миоти шз маъюласида Ислом дини Европа ҳамжамиятининг кўплаб мамлакатларида, хусусан, Голландия, Белгияда тарқайганига ишора қилади[9].

Постиндустриал дунёда кадриятларни кадрлаш тизими ва баҳолаш ҳам нисбий характер касб эта бошлади. Сўз эркинлиги, муносабат билдириш ҳуқуқи, ахборотдан фойдалана билиш эркинлиги кадриятларга муносабатларни ҳам ўзгартириб юбормоқда. Бугунги кунда инсоният соф илм ва чин эътиқод йўлидан эмас, авторитаризм, шоу-шув ва эмоционал муносабат йўлидан кетаётганлиги ҳам илм ва дин муносабатларини, жамиятдаги ўрнини, бир-бири билан уйғунлигини тўғри баҳолай олмасликларини келтириб чиқармоқда. «Кимёгар олим, Париж табиат куллиясининг декани Витез шундай дейди: Агар иймоним салгина бўлса-да сустлашганини сезиб қолсам, уни қувватлаш учун Фанлар академиясига шошиламман. Бошқа бир машҳур академик Фай ўзининг «Оламларнинг асли» номли китобида: Илм ўз эгасини Аллоҳни тан олмасликка олиб боради, деган фикр мутлақо нотўғридир, дейди. Машҳур геолог, Сарбонна дорулфунунининг олими Эдмон Герберт: Илм динсизликка ёки иккиланишга олиб бориши мумкин эмас, деб айтади»[10]. Бугунги постмодерн дунё инсонларни жамиятдан бегоналаштирди.



Бегоналик ёлгизликни шаклантирди ва у эса, кўрқув ва кучсизликни келтириб чиқармоқда. Бундай вазиятда инсонларда ҳеч нарсага қизиқиш ва ишонч қолмаяпти. Ҳеч нарса қадрланмаяпти. Бу эса, эътиқодга ҳам таъсир кўрсатмоқда.

«Агар диннинг асл мақсади инсониятни имкон қадар худбин майлу истаклар ва кўрқувдан халос этиш бўлса, илмий тафаккур унга яна кўмакка келади. Фактларнинг ўзаро муносабатини аниқлаб, уларни аввалдан башорат қилиш имконини берадиган қонунларни кашф этиш фаннинг асосий мақсади бўлса-да, у бу билан чекланмайди. Фан ўзи кашф қилган воқеа-ҳодисалардаги боғланишлар миқдорини оз сонли ўзаро мустақил тушунчалар ёрдамида соддалаштиради. Воқеликдаги турфахил ҳодисаларни рационал жиҳатдан унификациялаш баъзида иллюзиялар тўрига ўралиб қолишга сабаб бўлса-да, фаннинг ғоят улкан ютуқларига йўл очган. Бу соҳада муваффақиятга эришган олим борки, барчаси мавжудликдаги ақлга мувофиқликдан илҳом олган. Кўпроқ билгани сари у шахсий майлу истаклардан узоқлашиб, борликда жилва қилаётган бор бўй-басти билан инсон ақлига сиғмайдиган буюк ақл олдида ўз ожизлигини ҳис этади. Менинг назаримда, ана шу нарса чинакам диний кайфиятни намоён этади. Менимча, фан динни нафақат антропоморфизмнинг сарқитларидан тозалайди, шу билан бирга, ҳаётни тушунишимизнинг диний-маънавий томонларига ҳам катта ҳисса қўшади». Дарҳақиқат, ҳаётни тўла маънода тушуна олиш учун ҳам илм ва дин функцияларидан оқилона фойдаланиш лозим.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Европа илм-фани орқали шакланган дунёқараш уларнинг фикрлаш тарзи ва эътиқодини нотўғри томонга йўналтираётганлигини таъкидлайди. Натижада сохта илмий гипотезалар асосида динлар ва диний қадриятлар қадрсизлантирилмоқда. Улар ўзлари томонидан эгаланган ютуқларнинг асосий сабаби динсозлик ва чексиз эркинлик эканлигини илгари сурмоқда. Лекин юксак ва барқарор тараққиёт аслида илм ва дин уйғунлигидаги фаолиятда эканлигини англаб етган давлатлар ҳам йўқ эмас. «Инсонга ҳақиқий мақсадни дин белгилаб беради. Аммо муаммо шундаки, бу мақсадга қандай восита билан эришиш мумкин? Ҳақиқатни тўлиғича англаган инсон ҳар қандай фанни ривожлантира олади. Бироқ илм негизида дин истисно қилинса, кўп нарса йўқотилади. Мен мустаҳкам эътиқоддан маҳрум олимни тасаввуримга миғдира олмайман. Табиатни ўрганадиган ҳар бир кишида диний қарашлар туғилиши лозим. Фан билан жиддий шуғулланадиганларнинг иймони шунга комил бўладики, табиат қонунларида қандайдир кучнинг иштироки мавжуд ва бу куч инсондан анча юқори туради. Шу боис фанни холис ўрганиш кишини динга етаклайди. Агар диний хусусиятлар йўқолса, илм-фан руҳсиз, оддий тажрибага айланиб қолади»[11].

«Дин инсониятнинг мазкур қадрият ва мақсадларни чуқурроқ англаш, уларни ҳаётга янада кенгроқ татбиқ этиш йўлида асрлар давомида олиб борган курашидир. Дин ва фанни ана шу шаклда тушунсак, улар ўртасидаги қарама-қаршилик ҳам йўқолади». Бошқа томондан, фан намояндalари илмий методлар асосида қадрият ва пировард мақсадлар борасида жиддий хулосалар чиқаришга уринишди ва бу билан ўзларини динга муҳолиф қилиб қўйишди. Муносабатлардаги таранглик жиддий хатоларнинг оқибати эди.

Гарчанд дин ва фан ўз вазифасини белгилаб олган бўлса ҳам, бу улар ўртасида ўзаро алоқа ва боғлиқлик йўқ дегани эмас. Дин яшашдан мақсадни белгилаб бериши мумкин, бироқ унга кенг маънода қандай воситалар орқали етиш мумкинлигини фандан ўрганати. Фанни эса ҳақиқат ва билишга иштиёқни баланд ўт юраклар яратади. Бу иштиёқни фан эмас, дин уйғотади. Бунга мавжуд дунёни тартибга солиб турувчи қонуниятлар ақлга мувофиқлиги ва уларни ақл ёрдамида билиш мумкинлиги ҳақидаги эътиқод ҳам тааллуқлидир. Бу эътиқодга бўй бермайдиган бирорта ҳам чинакам олим йўқ. Бу ҳолатни мажозан шундай ифодалаш мумкин: динсиз фан – оқсоқ, фансиз дин эса сўқирдир»[12].

Хулоса қилиб айтганда постмодерн дунёда илмий ва диний қадриятларга муносабат ҳамда унинг диалектик асослари ижтимоий тараққиётга хос инкорни инкор, ворисийлик ва янгилашиш муносабатига асосланган бўлади. «жамиятда умумий қадриятлар тизими ҳамда умуминсоний, миллий, шахсий ва шу каби хусусий қадрият тизимлари доимий ўзгаришда бўлган жамият билан боғлиқ бўлгани сабабли, ушбу диалектик жараён уларга ҳам тегишли: улар ҳам, бир оомондан, нисбатан барқарор, асосий таркибий қисмлари ўзаро алоқадор ва боғлиқликда намоён бўлди, иккичи томондан эса, улардаги барқарорлик абадий ва мутлоқ эмас, бу тизим ва қадрият шакллари доимий ўзгаришда»[13]. Демак, мутлақ барқарор қадриятлар тизими мавжуд эмас, илмий ва диний қадриятлар ворисийлик асосида бири бирини тўлдириши ва ўзаро алоқадорликда ижтимоий тараққиётни таъминлаши зарур.

Постмодерн дунёда қадриятларга муносабат мезонлари ўзгаради ва янгиқа қадриятлар шаклланади. Қадриятларнинг қадрсизланиши ва янгиқа қадриятларни баҳоланиши ахлоқий, диний, сиёсий ва ижтимоий муносабатларга ҳам таъсир кўрсатади. Бундай вазиятда «шахс-оила-жамият-давлат деган тушунча ва қадриятлар» ҳам қайта баҳоланиш ва ўрин алмашиш ҳолатига келиб қолади. Постмодерн даврда илмий ва диний қадриятларга бўлган муносабат ўзгарувчан ва иқтисодий манфаатлар устига қурилган бўлади. Капиталистик муносабатларнинг юқори кўриниши сифатида илмий ва диний қадриятлар ҳам прагматистик муносабат асосига ўрнатилади. Янги тараққиёт даврида самиймий муносабат ва қалбан мулоқотнинг йўқолиши, жамиятда техноген маданиятнинг ўсиб бориши, инсонларнинг роботлашуви, автоматлашуви ҳам қадриятларга муносабатни ўзгартиради ва қадриятларнинг мазмун-моҳияти, унга берилган баҳо ҳам ўзгаради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдуллаева М.Н., Туленова К.Ж., Гаффарова Г.Ғ., Ниязимбетов М.К. Миллий ғоя ва фаннинг методологик муаммолари. Тошкент – 2008. –Б. 56-60.
2. Дынч В.И., Елъяшевич М.А., Толкачев Е.А., Томилин Л.М. Внеаучное знание и современный кризис научного мировоззрения // Вопросы философии. 1994. №12. –С. 125.
3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент.: Ўзбекистон. Том-3. 2019. –Б. 375

4. Гуревич А. Средневековый мир - культура безмолвствующего большинства. – Москва: 1990. –С.65
5. Шарипов Б. Х. Экстремистские и террористические организации Ближнего Востока и опыт борьбы с ними // Экстремизм, терроризм, гурухйива уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент.: 1999. - С. 176-177.
6. Ёвкочев Ш.А. Ислом ва hozirgi замон. –Тошкент.: Тошкент ислом университети, 2010. –Б.198
7. Xoji Ismatulloh Abdulloh. Markaziy Osiyoda islom madaniyati: Qisqacha ma'lumotnoma. –Toshkent. 2005. –B.87
8. Timoti Uinter. XXI asrda islom (Postmodern dunyoda qiblani topish). –Toshkent. 2005. – B.45
9. Encyclopedia Britannica Book of the Year (2010) –P.234
10. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. –Тошкент.: Nilolnashr. 2019. –Б. 290-291.
11. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. –Тошкент.: Nilol nashr. 2019. –Б. 292.
12. Алберт Эйнштейн. Дин ва фан. (Хуршид Йўлдошев. Шижоат ва матонат манбаи). [www.kh-davron.uz](http://www.kh-davron.uz)
13. Назаров Қ. Аксиология. Қадриятлар фалсафаси. –Тошкент.: Академия. 2011. –Б. 323.

#### **ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК**

Алиханов Мухаммаджон Махаммадсолиевич  
Наманган муҳандислик-технология институти

тарих фанлари номзоди, доцент

тел: 93 678-19-77 e-mail: [muhammadjon-a@umail.uz](mailto:muhammadjon-a@umail.uz)

***Аннотация:** Мақолада Англия ижтимоий шерикчилигининг юзага келиши, ривожланиши ва ҳолати турли манбалар асосида ўрганилган. Малакавий таълим соҳасидаги шерикчиликда давлат, касаба уюшмалари ва хусусий секторнинг иштироки қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек бу тажрибаларни Ўзбекистонда қўллаш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар берилган*

***Калит сўзлар:** ижтимоий шериклик, давлат органлари, нодавлат ташкилотлари, касаба уюшмалари, бизнес субъектлари, касбга қайта тайёрлаш, ишсизлик, таълим муассасалари.*



13	Шўрланишли шароитда порлоқ – 4 ғўза навига микро-1 ва ризоком препаратларининг таъсирини ўрганиш Маматкулова Г. Ф, Камбурова В.С, Маматкулова Ш Х, Дарманов М. М .....	82
14	Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш мониторинги Тўрабоев А,Н, Қирйигитов Х. Б .....	88
15	Айдар-арнасой кўллар тизими тузкон кўлида орол чавоқбалиғининг ( <i>rutilus rutilus aralensis</i> ) морфоэкологик хусусиятлари Намозов С.М .....	92
16	Роль водорослей в очистке вод Муминова Р.Н, Махкамов Г.М, Рузиматов Р.Е.....	97
17	Jizzax shahrida manzarali butalarning tur xilma-xilligi va etishtirish istiqbollari Ishanqulova D.U, Haydarov X.Q .....	101
18	Биоэкологические особенности и практическое значение видов эфедры в Узбекистане Муминов Д. Я, Хайдаров Х К, Мукимов Т.Х, Норкулов М. М, Джумаева З.У.....	104
19	Зирабулоқ тоғлари карабидофаунаси (coleoptera: carabidae) нинг эколого-фаунистик таҳлили Халимов Ф.З, Сайфиддинов Х.З, Маманов С.С.....	111
20	Fuzarium <i>oxysporum</i> va fuzarium <i>roae</i> таъсирида бугдойнинг биологик белгилари ўртасида коррелятив боғланишлар ва детерминация Шапулатов Ў. М, Кулиев Т. Х, Қўшиев Х,Х, Шапулатов У.М.....	117
21	Такрорий экилган қанд лавлагини ривожланишига азотли ўғитлар шакл ва меёрлари таъсири Сулаймонов И.Ж., Эргашев Д.Т.....	123
22	Жанубий-ғарбий қизилқум ўсимликларини ўрганилиши хусусида Эсанов Х.Қ .....	127

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

09.00.00

**ФИЛОСОФИК ИЕ НАУКИ**

**PHILOSOPHICAL SCIENCES**

23	Scientific results obtained on the topic “modernization and integration of national culture in the context of globalization” Farxodjonova N.F .....	138
24	Эстетический идеал – идея созидания Халилов Р.Р .....	144
25	Sharq mutafakkiri Abu Nasr Forobiyning komil inson haqidagi qarashlari va uning inson ma’naviyati yuksalishidagi ahamiyati Xudayarov I.I .....	147
26	Инсон омилини фаоллаштириш – тадбиркорлик маданиятни ривожлантиришнинг стратегик вазифаси Сайитхонов А.А .....	153
27	Постмодерн дунёда илмий ва диний қадриятларга муносабат ҳамда унинг диалектик асослари Қамбаров А А .....	158